

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХУЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

«Жисмоний тарбия» кафедраси

КУРАШ МАШГУЛОТЛАРДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР

«Жисмоний маданият ва спорт» фанидан

(Услубий қўлланма)



Ушбу услугбий қўлланма институт Илмий-услубий Кенгашининг 7 ноябрь 2014 йил 2-сонли мажлисида кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсия этилди.

Ҳаракатли ўйинларни муентазам ташкил этиш, жисмоний тарбияни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиши керак. Ҳаракатли ўйинлар ёшларнинг жисмоний ривожланишини йўлга кўйишда, уларнинг алоҳида спорт турларига оид турли ҳаракатларни такомиллаштиришга хизмат қиласди.

Сизларга таклиф этиладиган ҳаракатли ўйинлар курашнинг техник усулларини тезроқ ўзлаштириш, беллашувларга хос ҳаракатларни амалга оширишда йўл очади. Бундай ўйинлар кураш жараёнидаги аниқ ҳаракатларни амалга ошира билиш, спортдаги руҳий-маънавий имкониятларни сафарбар этиш билан қизғин баҳсада ғалабага эришиш имкони бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилган.

Тузувчилар:

А.Р.Ходжанов доцент
М.Н. Норқобилов катта ўқитувчи

Тақризчилар:

Ф.А. Керимов ЎзДЖТИ педагогика фанлари доктори, профессор
Б. И. Ибрагимов доценти

(C) Тошкент ирригация ва мелиорация институти 2014 йил

КИРИШ

Кураш - шунчаки спорт тури эмас, асл моҳиятини англайдиган бўлсак, қадимдан одамлар уни тарбия мактаби деб аташади. Ўзбек кураши бир неча минг йиллик тарихга эга. Қадим замонларда эрамиздан олдинги давларда ҳам кураш оммавий мусобақалар таркибидан ўзига муносиб ўрин олганлиги хақида маълумотлар бор.

Халқимиз ичида курашимизга одамни жисмоний чиниқтиришнинг асосий воситаларидан бири сифатида қарашган. Агар тарихимизга бир назар ташлайдиган бўлсак, қадим-қадим замонларда миллий курашимиз жуда ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Кураш Амир Темур лашкарлари учун жисмоний тарбия куч қувват манбаи бўлган. Айниқса, Амир Темур курашнинг мусобақа ва жанг турларига катта эътибор берган.

Маълумки, ўзбек кураши IX-XII асрларда жуда ривожланган. Ана шу даврлар ичида, кураш халқимизнинг энг севган спорт тури бўлган.

Шуни тан олиш керакки, 70 йилдан ортиқ давом этган мустамлакачилик даврида ўзбек халқининг миллий қадиятларидан бири бўлган курашга аҳамият берилмаган ва унинг ривожаниши пасайган.

Услубий қўлланманинг мазмуни ўзбек кураши бўйича мураббий ўқитувчилар тайёрлаш дастури талабаларига мос равишда баён этилади ҳамда талабаларнинг ўзбек курашини ўргатиш назарияси ва усулларини курашнинг техника ва тактика назариясини ўзлаштириш, мустақил ишлаш учун зарур бўлган билимлар ҳамда касбий педагогик кўникмаларни эгаллашини назарда тутади. Айниқса, курашчиларнинг машғулотларини режалаштириш масаласига алоҳида ўрин ажратилган.

Хукуматимиз раҳбари И.А. Каримовнинг Ўзбек курашга қаратган юксак эътиборлари янада бизни руҳлантириб, ўз олдимизга қўйилган вазифалардан кураш сирларини янада ўсиб келаётган авлодга сингдириш мақсадида ўқув услубий қўлланма, ўқув дарсларида қўллашни жоиз деб биламиз.

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг наъмуналари –«Алпомиш», «Тўлғаной», «Гўрўғли» каби достонларда ҳам полвонлар кураши мадҳ этилган. Тарихий манбаларда ёзилишича, мелоднинг X асрида ҳозирги Ўзбекистон худудида кўплаб кураш мусобақалари ўтказилган экан. Тарихга назар ташласак, қадим-қадим замонларда айниқса Амир Темур замонида миллий курашимиз жуда ҳам ривожланган. Кураш Амир Темур лашкарлари учун жисмоний тарбия куч қувват манбаи бўлган. Айниқса, Амир Темур курашнинг мусобақа ва жанг турларига катта эътибор берган, ҳамда қўшинларини кураш илмини ўрганишга чақирган.

Маълумки, ўзбек кураши IX-XII асрларда жуда ривожланган. Ана шу даврлар ичида, кураш халқимиз энг севган спорт турига айланган ва жуда оммавийлашган ҳамда паҳлавон Махмуд, Жалолиддин Мангуберди, Дарвешмуҳаммад каби паҳлавонлар ўзбек кураши довруғини дунёга таратишган.

Аммо, 70 йилдан ортиқ давом этган мустамлакачилик даврида ўзбек халқининг миллий қадиряларидан бири бўлган курашга аҳамият берилмаган ва унинг ривожаниши сусайган.

Ҳаракатли ўйинларни мунтазам ташкил этиш, жисмоний тарбияни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиши табиий. Бундай ўйинлар талабаларнинг жисмоний ривожланишини йўлга қўйишида, ёшларнинг алоҳида спорт турларига оид турли ҳаракатларни такомиллаштиришга хизмат қиласди.

Сизларга таклиф этиладиган ўйинлар курашнинг техник усулларини тезроқ ўзлаштириш, беллашувларга хос ҳаракатларни амалга ошириш, керак бўлса мураккаб усулларни қўллашга йўл очади. Айни пайтда бундай ўйинлар кураш жараёнидаги аниқ ҳаракатларни амалга ошира билиш, спортчидаги руҳий-маънавий имкониятларни сафарбар этиш билан қизғин баҳсада ғалабага эришиш омили бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилган.

Кураш машғулотларида ҳаракатли ўйинлар.

1. Оёққа эхтиёт бўлиш.

Ўйин тушунчаси:

Қатнашчилар жуфтликларга бўлинади. Ўйинчилар ўзаро қўлларини елкаларига ташлайдилар. Ўйинчиларнинг вазифаси қандай бўлмасин рақибининг панжаларига чаққонлик билан оёқларини кўпроқ теккизишдан иборат.



Қоидаси:

Майдонда турганда рақибнинг оёқларини ўз оёғига теккизишга йўл бермай, қўлларини туширмасликка ҳаракат қилиш жоиз.

- оёқларни ҳаракатга келтирганда чап ёки ўнг томонини ишга солиш мумкин;
- ўйин пайтида иккала оёқни хам ҳаракатга келтирса бўлаверади.

2. Ким чаққон

Ўйин тушунчаси:

Ўйинчилар жуфт-жуфт бўлиб тиззалаб оладилар. Қайси томон рақибини елкасига кўпроқ тегиши ва ўзига қўл узатишига йўл бермаслиги зарур бўлади. Қайси ўйинчи рақибининг елкасига кўпроқ қўл узатган бўлса ғолиб саналади.



Қоидаси:

Ўйинчи рақибининг елкасига оҳиста қўл уришлари керак.

- ўйинни рақибининг бошига қўл теккизиш орқали давом эттириш мумкин;
- тик турган ҳолатда ўйнаш мумкин.

3. Чапаклар

Үйин түшүнчаси:

Пол ёки майдонга диаметри 3 метрли доира чизилади. Иккى үйинчи танланади. Ҳар бир үйинчининг вазифаси ниҳоятда чаққонлик билан рақибининг тиззаси остига охиста уриш. Үзи эса рақибиға бундай имконият бермасликка ҳаракат қиласы. Қайси үйинчи ана шундай уришни күпайтира олса, ғолибга айланади.

Қоидаси:

Үйинчиларнинг ўзаро құл олиши ёки доира четига чиқишига йўл берилмайди.

- үйин пайтида охиста уришлар оёқнинг олдиндан белгиланган жойида бажарилади;
- охиста уришларни оёқнинг исталған жойида бажариш мумкин.



4. Аравачалар мусобақаси

Үйин түшүнчаси:

Үйинчилар бири ётган ҳолда таянади ва оёқларини елка кенглигидә ёзади. Шериги унинг оёқларидан ушлайди, бундай бирикиш “аравача”, деб аталади. Вазифа рақибининг мос құлиға тегиши. Маълум бир вақт ичидә күпроқ құл теккизган ғолиб саналади. Биринчи бўлиб мувозанатни йўқотган үйинчи ютқазган ҳисобланади.



Қоидаси:

Үйинчиларнинг тирсакларда туришига ва қорнига ётиб олишига рухсат берилмайди.

-үйинчи ўзининг “аравачаларини” тиззасидан ёки болдиридан ушлаб туради.

5. Чалинган оёқлар

Үйин тушунчаси:

Мусобақадошлар жуфтликларга бўлинади. Улар оёқлари билан рақибининг оёгини чалади ва хуштак чалиниши билан ўйин бошланади. Вазифа рақибини мувозанат ҳолатдан чиқариш учун чалиб куч ишлатишдан иборат.



Қоидаси:

Ўйинчилардан қайси бири биринчи бўлиб мувозанатни йўқотиб, оёғи гиламга тегса, ютказган ҳисобланади. Қўлларини елкадан олиш ман этилади.

- ўйинни оёқларни ичкари ва ташқи тарафдан илгак қилиб баҳслашишига рухсат берилади;
- мақсадга чап ёки ўнг оёқни ишлатиш билан етиш ҳам мумкин.

6. Тортишув

Ўйин тушунчаси:

Ўйинчилар икки жамоага бўлиниб, бир чизиқ четида саф тортиладилар. Ўйинчилар бир-бирига қарши турадилар, хуштак чалиниши билан ҳар бир жамоа ўйинчиси рақиб жамоа вакилини ўз тарафига куч билан тортиб, чизиқни босиб ўтишга мажбур қиласди. Чизиқдан ўтиб кетишга мажбур қилган ҳар бир ўйинчи қўлини кўтаради, буни раҳбар очко ҳисобида санаб туради.



Қоидаси:

Бундай тортишув пайтида ўйинчилардан бирининг икки оёғи чизиқдан ўтиб кетса, ҳисобга киради. Баҳс пайтида рақибнинг кийимидан тортиш мумкин эмас.

- жамоа ёки жуфт ўйнаш;
- ўйинни бир кўл (ўнг ёки чап) билан ўтказишга ҳам рухсат бор.

7. Чавандозлар кураши

Ўйин тушунчаси:

Хар қайси жамоа ўйинчилари жуфт-жуфт бўлиб бўлинади. Чавандозлар отларга минадилар ва жамоалар ўрта чизик атрофида сафланадилар. Хар бир ўйинчи ўз рақибини маҳкам тутган ҳолда эгардан тушмай, рақибини ағдаришга харакат қиласи.

Қоидаси:

Агар иккала чавандоз отдан йиқилса, кимнинг оёғи биринчи бўлиб ерга теса, унга мағлубият ёзилади. Жамоа чавандозлари биринчи бўлиб “иқилишни” ўрнига қўйса, ўйин тугаган бўлади. Уларга мағлубият ёзилади. Такорий ўйинда ўрин алмашади.



- ўйин мобайнида бир чавандозга икки-уч рақиб хужум уюштириши мумкин;
- чавандозларнинг арқон тортишларига ҳам рухсат берилади;
- жамоа ёки жуфт-жуфт бўлиб ўйнаш ҳам мумкин.

8. Доирадан чиқариш

Ўйин тушунчаси:

Диаметри 3-4 метрли доира ичида икки ўйинчи туради. Хуштак чалиниши билан улар кўлларини бир-бирларининг елкаларига қўйиб, куч билан итара бошлайдилар. Хар бир ўйинчининг вазифаси рақибини доирадан чиқаришдан иборат.



Қоидаси:

Агар ўйинчилардан бирининг оёғи доира ташкарисига чиқиб қолгудай бўлса ҳам унга мағлубият ёзилади.

- доира ташкарисига қўкси билан туртиб чиқариш ҳам мумкин, бунда кўллар белда туради;
- туртиб чиқариш елка билан амалга оширилганда кўллар харакатга келтирилмайди;
- рақибни қўл билан туртиб чиқариш мумкин, бунинг учун рақиблардан бири орқасини ўгириб турган ҳолатда бўлиши лозим.

9. Тўпни эгаллаш

Ўйин тушунчаси:

Қатнашчилар тик ҳолатда ёки тизза бўй пастворлар. Улар тўпни икки қўллаб тутадилар. Хуштак чалиниши билан ҳар бир ўйинчи тўпни олишга ва боши узра кўтаришга ҳаракат қиласди.

Қоидаси:

Топ учун курашда қўллар бир хил ҳолатда туради. Агар ўйин тик турган ҳолатда давом этса, гиламга йиқилиш ман этилади.

- ўтирган ҳолатда ўйнаш мумкин;
- тиззада туриб ўйнашга рухсат этилади;
- ерга қараб ётган ҳолатда ҳам ўйнаш мумкин.



10. Оёқлар кураши

Ўйин тушунчаси:

Икки ўйинчи тескари йўналишда чалканча гиламга ётади. Иккаласи бир-бирининг қўлларидан тутади. Хуштак чалиниши билан улар ўзларининг чап ёки ўнг оёқларини ишга солиб, рақибининг оёқларини илишга интилади. Шу йўл билан ўйинчилар бир-бирларини ағдаришга интиладилар.



Қоидаси:

Биринчи бўлиб рақиби гиламдан узилишига эришган ўйинчи ғолиб саналади.

-ўнг ва чап оёқни ҳаракатга келтириш билан ўйинни давом эттиришга рухсат берилади.

11. Четлашган ютказади.

Ўйин тушунчаси:

Дияметри 3-4 метрли доира ичида икки ўйинчи баҳслашади. Улар белдан шундай оладиларки, қўллар икс (X) ҳолатига келади. Уларнинг вазифаси хуштакдан кейин шеригининг оёгини гиламдан узиб, доира четига олиб чиқищдан иборат.

Қоидаси:

Кўлларни ҳаволантириш, бураш ёки оёқларни ишга солиш ман этилади.

-кўпроқ ўнг қўлини ва чап қўлини “X” ҳолатига келтиришга рухсат этилади.



12. Хўрозлар жангиги.

Ўйин тушунчаси:

Дияметири 3-4 метрли доира ўртасида икки ўйинчи туради. Мақсад – мувозанатни йўқотишга эришиш ҳамда доирадан четга чиқариш. Қайси ўйинчи буни биринчи бўлиб уддасидан чикса,ғолиб бўлади.

Қоидаси:

Атайлаб қўпол турткilar қилиш ман этилади. Ўйинни фақат хуштакдан кейин бошлиш керак.

-ҳаккалашда оёқларни икки марттадан кўпроқ алмаштириш мумкин эмас;



13. Орқа билан итариш.

Үйин түшүнчәсі:

Үйинчилар орқама-орқа турған ҳолатда құлларини үзаро маңкам тутадилар. Уларнинг вазифаси елкага таяниб, рақибини доира чизифидан четга чиқаришдан иборат.



Қоидаси:

Үйин пайтида оёқларни ердан құтариш ёки маңкам тутилган құлларни бўшаштириш ман этилади.


-үйинчиларга ўтирган ҳолатда туришларига рухсат берилади;

- тик ҳолатда баҳслашиш мумкин.

14. Тўп учун қураш.

Үйин түшүнчәсі:

Икки қатнашчи 2 метр оралиқда бир-бирларига орқа ўгириб полда ўтирадилар. Уларнинг ўрталарига тўп қўйилади. Раҳбар хуштак чалиши билан үйинчилар тўпни эгаллаб олишлари керак. Қайси үйинчи биринчи бўлиб буни эпласа, ғолиб бўлади.



Қоидаси:

Тўпни иккала үйинчи қаршисидаги марказга ўрнатилади. Үйинчи мақсадли равища рақиби билан туртиниб кетса, унга мағлубият ёзилади.

-үйинни тик турған ҳолатда ўтказиш мумкин;

15. Ким кучли.

Үйин түшүнчаси:

Икки үйинчи ерга қараб ётган ҳолда бир қўли билан рақибини маҳкам тутишга ҳаракат қиласди. Вазифа рақибни ўз томонига тортиш, унинг мувозанатини йўқотишдан иборат. Вазифани биринчи бўлиб уддалаган үйинчиғолиб саналади.



Қоидаси:

Оғриқ берувчи усулларни қўллаш, тиззага туртиш ман этилади.

- ўйинни тўрт оёқлаб турган ҳолатда давом эттириш мумкин;
- рақибнинг ўнг ёки чап қўлини маҳкам тутган ҳолда ғалаба сари интилишга рухсат берилади;

16. Панжа уриш.

Үйин түшүнчаси:

Ўйинчилар бир-бирларига рўбаро турадилар, оёқ панжалари бир-бирига яқин бўлади. Қатнашчилар кафтлари билан бир-бирларига қаршилик қилиб, рақибнинг мувозанатини йўқотишга интиладилар.



Қоидаси:

Ўйинчилардан қайси бири кафтлар ҳаракати пайтида оёғи ўрнини ўзгартирса, ютқазган хисобланади. Ўйин бошқатдан бошланади.

- ўйинни тик турган ёки ўтирган ҳолатда ҳам ўйнаш мумкин;
- полга ярим ўтирган ҳолатда баҳслашишга рухсат берилади.

17. Кучли оёқлар.

Ўйин тушунчаси:

Ўйинчилар бир-бирига рўбаро ҳолда ўтирадилар. Биринчи ўйинчининг вазифаси- рақиби оёқлари орасини куч билан очишга ҳаракат қилиш. Қайси ўйинчи рақибининг оёқларини қисқа муддатга айри ҳолатга келтира олса, ютган бўлади.

Қоидаси:



Ўйин пайтида рақибларнинг қўллари орқа тарафга тиради ва уларни қўзғатиш мумкин эмас.

-ўйинни тескари йўналишда, яъни айри ҳолатдаги оёқларни қовуштириш йўли билан давом эттириш мумкин.

18. Ўжар болалар.

Ўйин тушунчаси:

Икки ўйинчи бир-бирининг қаршисига ўтиради. Оёқ панжаларини ўзаро бирлаштириб, қўллари билан орқага таянадилар. Хуштак чалиниши билан ўйинчи рақибири оёғи билан итара бошлайди.



Қоидаси:

Қайси ўйинчи биринчи бўлиб рақибини оёғини силтаб ташласа, ғалаба қозонади.

-ўйинчи қўли билан орқага таянмайди, унинг қўллари боши узра бўладики, бу ўйинга мураккаблик касб этади;

- иккала оёқ билан рақибга таяниш мумкин.

19. Гиламга йиқитиши.

Үйин түшүнчәсү:

Турли жамоанинг икки үйинчиси бошлари билан турли томонларга қараган ҳолда чалқанча ётадилар. Улар тиззалаб рақибини гиламга йиқитмоқчи бўладилар. Ютган бир очко олади.

Қоидаси:

Үйин пайтида курашда рухсат этилган бир усулни қўллашга рухсат. Кўпроқ очко тўплаган жамоа ютган бўлади.

-оддий ҳолатни ўзгартириб, орқама-орқа 1,5 метрли оралиқ билан туришга рухсат бор.



20. Мувозанатни йўқотма.

Үйин түшүнчәсү:

Доирага икки үйинчи киради. Улар чўккараб, қўллари билан болдиридан ушлайдилар. Вазифа елкалари билан туртиб, рақибининг мувозанатини ёқотишдан иборат.

Қоидаси:

Доирадан четга чиқиш мумкин эмас. Шу муддатда томонлар вазифани уддалай олмасалар, дуранг саналади.

-ўйинни қўлларини боши узра тутган ҳолатда давом эттириш мумкин;

-тиzzаларга қўл билан таянган ҳолатида ўйинни давом эттириш мумкин.



21. Тиззада туриб қўл уриштириш.

Ўйин тушунчаси:

Ўйинчилар бир-бирининг қарисида тиззалаб турадилар. Оёкларидан бири олдинга кўйилиб, қўл тиззада бўлади. Рақиблар иккинчи қўл билан оёқ бош бармоғини маҳкам тутган ҳолда ўзига торта бошлайди. Қайси ўйинчи рақибини оғдира олса, ютган ҳисобланади.



Қоидаси:

Оёкларни ҳаракатга келтириш, иккинчи қўлни ишга солиш ман этилади.

-қўл ва оёклар ҳолатини ўзгартириш мумкин;

- қўл билан ушлаб тортиладиган жойни ҳам ўзгартиришга рухсат берилади.

22. Кел, олишамиз!

Ўйин тушунчаси:

Икки ўйинчи бир-бирига қарши турган ҳолда оёкларга таяниб, қўлларига гимнастика таёқчасини ушлаганча жамоа раҳбарининг рухсатини кутади. Хуштақдан кейин қатнашчилар гимнастика таёқчасини ўз тарафига торта бошлайди.



Қоидаси:

Қайси ўйинчи баҳс пайтида тиззаларини букулишига йўл қўйса, мағлубиятга учраган ҳисобланади.

-жамоа бўлиб ўйналганда кўпроқ балл тўплаган томон ғолиб саналади.

23. Паҳлавонлар.

Ўйин тушунчаси:

Икки қатнашчи ётган ҳолатда бўлади. Улардан бири шеригининг бармоғини ушлашга уринади. Ўйинчилар рақибни ўз томонига торта бошлайдилар. Мақсад, рақибнинг қўлини гиламга теккизишдан иборат.



Қоидаси:

Рақибини биринчи бўлиб лол қолдирган ўйинчи ғолиб саналади. Иккинчи қўлни ишга солиш ва тирсакни гиламдан кўтариш мумкин эмас.

-ўйин пайтида ўнг ва чап қўл билан курашиш мумкин.

24. Чаққон чавандоз.

Ўйин тушунчаси:

Ҳар бир жамоа гиламчага бир “отча”ни қўяди. Унинг рақибини эса чавандозга айланади. “Отча”га минган чавандоз рақибини бошидан қўллари билан маҳкам тутади. Вазифа чавандоз ўзини орқага ташлаб, тагидаги рақибини гиламдан узишга интилишдан иборат. Мақсад мувозанатни йўқотган рақиб йиқилиб, ё қорни билан ётиб қолади.



Қоидаси:

Агар бунинг уддасидан чиқолса, чавандоз ғолиб саналади. Борди-ю “отча” тихирлик қилиб, чавандознинг харакатларидан бўшашмаса, унда чавандознинг фаол ҳаракатлари хисобга олинади. Бундай курашни жамоа бўйича давом этказиш мумкин.

-“отча” бўлиб ўйнаётган спортчи қорин билан ётиши, чавандознинг вазифаси эса уни гиламдан узишдан иборат;

- чавандоз рақибини мағлуб қилишга уринади. Бордию “отча” чаққонлик қилиб бошқа доирага судралиб ўтини уддаласа, унга ғалаба ёзилади.

25. Қизғин баҳс.

Үйин түшүнчаси:

Қатнашчилар орқама-орқа туриб, гимнастика тәёқчасини маҳкам ушлаганча баланд күтарилади. Вазифа тәёқчани ўз тарафига тортган ҳолда рақибини оёғини ердан узилишига мажбур қилиш.

Қоидаси:

Кимки оёғи ердан күтарилиб ёки тәёқчани қўйиб юборса, ютқазган бўлади. Рақибини ўзи эгилган ҳолатда күтариб беш сония ушлаб турган ўйинчи ғалаба қилган бўлади.



-ўйинни ўтирган ҳолатда бажариш мумкин.

26. Квадрат ичида баҳс.

Үйин түшүнчаси:

Майдончада учта квадрат 3×3 , 2×2 , 1×1 чизиклари чизилади. Биринчи квадратга тўрт ўйинчи чорланади. Хуштаккача улар қўллар орқада, бир оёқда туриш ҳолатини оладилар. Шундай ҳолатда ўйинчилар хуштак чалиниши билан бир-бирларини елкаларидан итара бошлайдилар. Кимки, бундай ҳаракатлардан кейин квадрат чизиги ичида қолса, тўрт баллга эга бўлади. Қолган уч ўйинчи эса 2×2 квадратига ўтади ва яна баҳс давом этиб, ғолиб 3 балли бўлади. Икки ўйинчи энг қизик 1×1 квадратида курашни давом эттириб, ғолибга икки балл берилади.



Қоидаси:

Бахс пайтида қўпол тутишларга йўл берилмайди.

-ўйин пайтида ўйинчиларга бошдан ушлашга рухсат берилади, бу эса ўйинни мураккаблаштириб, қизғин тус олишга йўл очади.

27. Абжир қўллар.

Ўйин тушунчаси:

Икки ўйинчи бир-бирларига рўбаро келиб, қўлларини ёйиб, бармоқларини мушт қиласди. Иккинчи ўйинчи эса унинг қўлига осилиш билан эгишга мажбур этади. Агар ўйинчи рақибининг бу ҳолатини сингдира олмаса, мағлубиятга учраган бўлади.

Қоидаси:

Ўйин пайтида қўпол ҳаракат ва оғир усулларни қўлаш ман этилади.

-биринчи ўйинчи қўлларини томонларга ёяди, иккинчиси уларни жойига келтиришга уринади;

- биринчи ўйинчи қўлларини олдинга чўзади, иккинчиси уларни жойига келтиришга интилади;

-биринчи ўйинчи қўлларини олдинга чўзади, иккинчиси уларни пастга туширмоқчи бўлади.



28. Худуд учун кураш.

Ўйин тушунчаси:

Икки ўйинчи ётганича таянган бўлади. Хуштак чалиниши билан улар бир-бирларини елкалари билан итара бошлайдилар. Ҳар бир ўйинчининг вазифаси ўз рақибини майдон четига чиқаришдан иборат. Ким

биринчи бўлиб максадга эришса, ғолиб саналади.

Қоидаси:

Ўйин пайтида тиззада туриш, оғриқ усулларини қўлаш ман этилади.

-ўйинни тўрт оёқлаб турган ҳолатда давом эттириш мумкин;

- рақибнинг ўнг ёки чап елкасига итариш мумкин.



29. Чалғитиш.

Үйин түшүнчәсү:

Икки үйинчи тик турган ҳолда юзма-юз бўлади. Раҳбарнинг рухсати билан ҳар бир үйинчи ўз рақиби белидан олишга уринади. Шу пайтда ракиб қарши хужумга ўтиб, майдондан унумли фойдаланишга харакат қиласди.

Қоидаси:


-ўйин пайтида томонлардан бири усталик билан гўё ниқоб кийгандек унинг орқасига ўтиб олиши ва кутилмагандага хужумга ўтиб, гавдасидан маҳкам тутиши мумкин.



30. Арқон тортиш.

Үйин түшүнчәсү:

Тортиладиган арқоннинг ўртасига белги қўйилиб, ўйналётган майдон ёки полга ташлаб қўйилади. Ҳар бир жамоа иккига бўлинниб, арқонлардан маҳкам тутади. Қайси жамоа уч мартага етказиб, ракиб томонини марказий чизикдан ўз тарафига суришга имкон топса, ютган бўлади.



Қоидаси:

Ўйинчилар арқоннинг икки тарафига турадилар. Чап тарафида турган қатнашчилар арқонни ўнг тирсак бўйича маҳкам тутадилар. Чап тарафда турганлар эса чап тирсак бўйича ушлайдилар.

-ўйинни икки киши бўлиб ёки жуфт-жуфт бўлиб ўйнаш мумкин.

31. Таёқча учун кураш.

Ўйин тушунчаси:

Ўйинчилар юзма-юз турадилар, қўллари гимнастика таёқчасини тутадилар. Ўйинчилар таёқчаларини айлантириш йўли билан рақибини таёқчани қўйиб юбориш холатига соладилар.

Қоидаси:

Таёқча горизантал ушланганда қўллар елка кенглигига туради. Ўнг қўл таёқчани тепа тарафида бўлади. Қайси ўйинчи биринчи бўлиб, таёқчани қўйиб юборса у ютқазган саналади.



-иккита эстафета таёқчасидан ҳам фойдаланиш мумкин.

- ўйинчининг вазифаси- таёқчани қўйиб юбормай, рақибини доира чизигидан четга чиқариш.

32. Ким кимни тортади.

Ўйин тушунчаси:

Мусобақа қатнашчилари шундай ҳисобда жуфтликларга ажралади. Майдонча ёки полга узун чизик тортилади. Томонлар ана шу чизик бўйлаб турадилар. Шу тариқа икки жамоа таркиб топади. Уларнинг бири чизиқнинг нариги, қолгани бошқа томонда туради. Ўртадаги масофа эса бир қадамдан ошмайди. Ҳар бир жуфтлик гимнастика таёқсасини маҳкам тутади. Вазифа ўйинчининг ўз рақибини чизиқни кесиб ўтишига мажбур қилишдан иборат.



Қоидаси:

Ҳар бир ўйинчи белгиланган чизиқдан иккала оёғи билан ўтса, у “асир” тушган ва ўйиндан чиқсан ҳисобланади.

-ўйинчи рақибини тортаётганда унинг жамоадоши ёрдамга келиши мумкин.

-ўйинчилар тортишмачоқни гимнастика таёқчасини ўнг қўл билан ушлаган ҳолда бажарилади.

33. Тезроқ торт.

Үйин түшүнчаси:


Икки үйинчи бир-бирининг қаршиларида турадилар. Ўртадаги масофа 1-1,5 метр. Уларга яқын жойга арқон ташлаб қўйилган бўлади. Ўйинчилар чаққонлик билан арқонни ўзларига тортадилар. Ким биринчи бўлиб буни бажарса, ғолиб саналади.

Қоидаси:

Ўйинни раҳбарнинг хуштагидан кейин бошлаш мумкин.

-ўйинчиларнинг бир-бирларга орқама-орқа туришларга руҳсат бор;

-ўйинни ўтирган ҳолатда бошлаш мумкин.



34. Сакрашни ўрган.

Үйин түшүнчаси:

Икки үйинчи қўлларида ушлайдилар, чап оёққа пастлайдилар. Ўнг оёқ эса олдинга узатилади. Ўйинчилар сакраб оёқлар ўрнини алмаштиришлари керак. Қайси үйинчи мувозанатни йўқотса, ютқазган саналади, ғолибга эса бир очко ёзилади. Ўйин эса уч очко олгунча давом этади.

Қоидаси:

Ўйин пайтида оёқлар ўрнини алмаштириш раҳбарнинг хуштагидан кейин бўлиши кўзда тутилади.



-ўйинни томонларнинг ярим ўтирган ҳолатда бажариш, бу пайтда уларнинг қўллари бедга таянган бўлиши мумкин. Қайси үйинчи ўйин мобайнида муддатдан илгари мувозанатни йўқотса, ютқазган саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Атаев А.К. Кураш. Тошкент «Ўқитувчи» 1987 йил .
2. Жуков М.Н. Подвижные игры М. «ACADEMA» 2002 г
3. Каримов Ф.А. Кураш тушаман. Тошкент. «Медицина» 1990 йил
4. Усмонходжаев Т.С. Миллий ҳаракатли ўйинлар. Тошкент. «Ўқитувчи» 2000 йил

Мундарижа

Кириш.....	3
Оёққа әхтиёт бўлиш, Ким чаққон.....	5
Чапаклар, Аравачалар мусобақаси.....	6
Чалинган оёқлар, Тортиш.....	7
Чавандозлар кураши Доирадан чиқариш.....	8
Тўпни эгаллаш, Оёқлар кураши.....	9
Четлашган ютказади, Хўролар жангি.....	10
Орқа билан итариш, Топ учун кураш.....	11
Ким кучли, Панжа уриш.....	12
Кучли оёқлар, Ўжар болалар.....	13
Гиламга йиқитиш, Мувозанатни ёқотма.....	14
Тиззада туриб қўл уриштириш, Кел, олишамиз!	15
Пахлавонлар, Чақкон чавандоз.....	16
Қизғин баҳс, Квадрат ичидаги баҳс.....	17
Абжир қўллар, Ҳудуд учун кураш.....	18
Чалғитиш, Арқон тортиш.....	19
Таёқча учун кураш, Ким кимни тортади.....	20
Тезроқ торт, Сакрашни ўрган.....	21
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	22

Ходжанов Азиз Рахимович
Норқобилов Муҳиддин Нажимович

«Жисмоний маданият ва спорт» фанидан

Услубий қўлланма

Муҳаррир: М.Мустафаева

Босишига руҳсат этилди_____

Қоғоз ўлчами 60X84 1/16

Ҳажми 1,5- б.т. 10 нусха

Буюртма № _____

ТИМИ босмахонасида чоп этилди

Тошкент-100000, Қори-Ниёзий кўчаси, 39 уй